

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«БАНК ВА ЖАМЌАРМА ИШИ» КАФЕДРАСИ

«Ҳимояга тавсия этилган»

Кафедраси мудири, доц.

_____ Ниёзов З.Д.

(имзо)

«Банк иши» таълим йўналиши

БИ-106 гуруҳ талабаси Умаров Улуғбекнинг

**ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА
УЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

(АГРОБАНК ЛОИШ ФИЛИАЛИ МИСОЛИДА мавзусида бажарган

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

**Илмий раҳбар:
проф. Ў.Р.Рашидов**

САМАРҚАНД – 2010

КИРИШ.

I БОБ. БАНК АКТИВЛАРИ ВА ПАССИВЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.

1.1. 2009 йилда Ўзбекистонда молия – банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар

1.2. Банк активлари ва пассивларининг иқтисодий моҳияти.

1.3. Банк активлари ва пассивларининг мувофиқлигини таъминлашни стратегик режалаштиришнинг назарий – услубий асослари

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУОФИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

2.1 Тижорат банклари томонидан пассив операцияларни амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятлари.

2.2 Тижорат банкларининг актив операциялари.

2.3. Тижорат банклари активлари ва пассивлари мувофиқлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ.

3.1. Тижорат банкларида активлар ва пассивларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш.

IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙўНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ИЛОВАЛАР

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долбзарлиги. Замонавий банк иши – динамик ривожланиб бораётган бизнес соҳасидир. Банк ишини ташкил қилишда эски услублардан янгиларига ўтиш турли мамлакатларда турлича олиб борилиши, бу

мамлакатлар банк тизимининг турлича ҳолатда бўлишига олиб келди. Президентимиз И.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида бугунги кунда молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини билдириб, қуйидаги хулосаларни таъкидлаб ўтдилар: «...**Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.**

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ...».

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарор ривожланиб бориши ҳамда унинг олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилиб борилишини таъминлади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «**Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томони-дан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади... Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсир ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганлигини кўрсатади.**

Республика Президенти И. Каримов қайд этганларидек: «**Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-**

иктисодий барқарорлиги кўп жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ».

Айни пайтда банкларнинг кредит портфели таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермокда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироzi давом этаётганига қарамай банкларимиз томонидан иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Тижорат банклари капиталлашув даражасининг ортиши иктисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлашда банк кредитларининг аҳамиятини ортишига олиб келди. Биргина корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улуши ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.



Ушбу тенденцияни яқин истиқболда изчил ошириб бориш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, банклар томонидан берилган кредитлар таркибида инвестиция кредитлари улушининг ортиб бориши, мамлакатимиздаги кенг камровли инвестиция сиёсатини олиб боришда банклар аҳамиятининг ортиши натижаси ўлароқ, уларнинг йирик инвестиция муассасаларига айланишига олиб келади. Банклар активлари таркибида спекулятив тавсифдаги кредитларнинг камайиши ҳамда молиявий ресурсларнинг реал иктисодиётга қўйилма сифатида киритилиши республикаимизнинг истиқболдаги ривожланишида банкларнинг ҳиссасини янада оширади. Ўз навбатида банклар капиталлашув даражасининг ошиши давлат қўйилмалари манзиллигининг ортишини таъминлайди.

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банкларнинг инвестицион ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятини янада фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва пировард натижада рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурининг стратегик мақсади ҳисобланади. Демак, банкларнинг актив ва пассив операциялари ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва унинг келгуси ривожлантириш истиқболларини очиб бериш давлатнинг стратегик мақсадини амалга оширишнинг муҳим манбасидир.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ тижорат банклари операцияларини илмий – назарий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кунда энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади.

Мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишларга қисқача тасниф. Банкларнинг фаолиятининг назарий – услубий асослари, амал қилиш қонуниятлари ва хусусиятлари кўпгина хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилган. Хорижий иқтисодчиларнинг ушбу йўналишдаги тадқиқотлари жумласига Э.Наумен, П.Роуз, Ж.Синки, К.Фалби, Г.Минцберги, М.Портер, Ф.Фордларнинг илмий ишларини киритишимиз мумкин. Шунингдек, рус иқтисодчилари Л.Красавина, А.Жуков, Е.Жуков, О.Лаврушин, Я. Миркин ва бошқалар томонидан банк амалиётини ташкил қилишнинг замонавий шакллари соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи – олимлар ва мутахассислар Ф.Муллажонов, Ш.Абдуллаева, Ё.Абдуллаев, М.Ангелиди, Т.Маликов, Т.Қоралиев, О.Иминов, Т.Тен, А.Қодиров ва бошқаларнинг илмий изланишларида банк фаолияти асослари ҳамда амалиёти кенг ёритилган.

Битирув – малакавий ишнинг кафедра илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Битирув – малакавий иш мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот «Банк ва жамғарма ишлари» кафедрасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси билан мос келади.

Битирув – малакавий ишнинг мақсади. ОАТБ «Агробанк» томонидан банк томонидан таклиф қилинаётган хизматларини таҳлил қилиш, 2009-

2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш асосида банк хизматларини такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш.

Битирув – малакавий ишнинг вазифалари. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал қилинди:

- тижорат банклари актив ва пассив операцияларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари активлар ва пассивларининг асосий элементларини таҳлил қилиш;
- банкда актив ва пассив операцияларни олиб бориш амалиётини олиб борилиши ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- банк хизматларини такомиллаштириш ва келгусида ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ОАТБ «Агробанк» да банк амалиётининг олиб борилиши амалиёти ва банкнинг молиявий сиёсати ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, тижорат банкларида банк хизматларини такомиллаштиришга оид бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий ва назарий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида, банк соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан, илгари сурилган назарий қарашлар, банк фаолиятига оид Президент фармонлари ва қарорлари, қонун ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда республика Марказий банкининг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг банк ишига оид илмий – услубий ёндашувлари, амалий тажриба ва хулосалари ҳисобланади. шунингдек, ишда воқеа ва ҳодисаларни илмий билишнинг диалектик усулларида, хусусан иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- тижорат банклари актив ва пассив операцияларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қилинди;

- тиждат банклари активлар ва пасивларининг асосий элементларини таҳлил қилинди;

- банкда актив ва пасив операцияларни олиб бориш амалиётини олиб борилиши ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганилди;

- банк хизматларини такомиллаштириш ва келгусида ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

- меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Битирув – малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги таклиф ва тавсиялардан банклар ва уларнинг филиалларида кредит фаолиятини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишдаги илмий – назарий ғоялар ва амалий таҳлил материалларидан банк ишига оид махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув – малакавий иш кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.


I БОБ. БАНК АКТИВЛАРИ ВА ПАССИВЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.

1.1. 2009 йилда Ўзбекистонда молия – банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари




Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтормоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



Натижада 2009 йил мобайнида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди. Жумладан, республикамизда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижаларни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин.

**2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб
чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган
натижалар**

Комплекслар номи	Маҳсулот таннархининг пасайиши	
	млрд. сўмда	фоизда
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машиносозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартизациялаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	2079,5	20,38

Жадвалдан кўринадик, 2009 йилда республикаимиз бўйича маҳсулотлар таннархини 2079,5 млрд. сўмга ёки 20,38 фоизга қисқартиришга эришилган.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Хусусан, 2009 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур

корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узок давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаklar) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра:

- тижорат банкларига банкрот корхоналар ёки улар мол-мулкнинг берилиши, сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав

жамғармаларига киритилиши, шунингдек банклар томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизида янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

- банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгиллаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Президентимиз маърузасида таъкидланишича, 2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айти пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада қўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизига 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан яна бири – бу саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнидир.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши кўйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;

- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Маълумотларга кўра, кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2009 йил давомида 333 та корхона негизида 843 та амалга оширилаётган лойиҳа бўйича 2854,0 млрд. сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган (2.2.3-расм). Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,3 баробар ўсиб, импорт ўрнини босиш самараси 1,9 млрд. долл. ташкил этди.



Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларининг изчил амалга оширилиши барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитларни яратди.

1.2. Банк активлари ва пасивларининг иқтисодий моҳияти.

Активлар.

Нақд активлар. Банк молиявий ҳисоботининг биринчи активи одатда нақд пул ва «Ностро» типигаги депозитлар ҳисобланади. Ушбу моддани,

яъни банк кассаларидаги нақд пуллар, бошқа банкларда жойлаштирилган барча депозитлар, инкассация қилиш жараёнидаги маблағлар ҳамда Марказий банкдаги мажбурий захира фондидаги маблағларни кўп ҳолатларда «бирламчи захиралар» деб аташади. Чунки кўзда тутилмаган ҳолатларнинг юзага келиши ва мажбуриятлар тезлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган пайтда ушбу активлар банкнинг «биринчи ҳимоя чизиғи» бўлиб хизмат қилади. Одатда, банк бу моддани имкон қадар паст даражада ушлаб туришга ҳаракат қилади, негаки нақд пул маблағлари диярли даромад келтирмайди.

Қимматли қоғозларга инвестициялар. Бу модда банкнинг «иккинчи ҳимоя чизиғи» бўлиб, ликвидли қимматли қоғозларга молиявий кўйилмалардир. Бу позицияни кўп ҳолларда «иккиламчи захиралар» деб аташади. Унга одатда давлат қисқа муддатли қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар киради. Шунингдек, бу позицияда пул бозорининг қимматли қоғозлар, бошқа банклардаги муддатли фоизли депозитлар ҳамда тижорат қимматли қоғозлари акс эттирилиши мумкин. «Иккиламчи захиралар» нақд пул ва кредитлар ўртасидаги позицияни эгаллаб, маълум миқдордаги даромад олишни таъминлайди ва ликвидликни таъминлашнинг иккиламчи манбасидир.

Кредитлар. Ҳеч бир шубҳасиз банкларнинг энг йирик активлари бўлиб кредитлар ҳисобланади ва аксарият ҳолларда жами активлар ҳажмининг диярли учдан икки қисмини ташкил қилади. Балансда кредитлар бўйича маълумотлар бўйича маълумотларни акс эттиришда иккита рақам ишлатилади. Биринчиси, кредит-брутто бўлиб, унда банк томонидан берилган жами кредитлар миқдори (жумладан, пролонгация қилинганлари) кўрсатилади. Ушбу суммадан кредитлар бўйича жорий ва эҳтимолий зарарлар захираси суммасини чегириб ташласак соф кредит, яъни кредит-нетто аниқланади.

Аммо кўрсатилган суммадан кредитлар бўйича мавжуд ва кутилаётган зарарларни чегириб ташлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигига кўра, банклар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар резервини ташкил қилиш имконига эгадирлар. Ушбу ажратмалар активларга нисбатан контрҳисобварақ ҳисобланиб, кредитлар бўйича зарарларни ҳисобдан чиқариш захираси ҳисобланади. Масалан, тижорат банклари «стандарт» тоифали кредитлар бўйича банк қайтарилмаган асосий қарз суммасининг 10%, «субстандарт» тоифали кредитлар бўйича асосий қарзнинг тўланмаган қисмининг 25%, «шубҳали» тоифали кредитлар бўйича асосий қарзнинг тўланмаган қисмининг 50%, «умидсиз» тоифали кредитлар бўйича асосий қарз тўланмаган қисмининг 100% миқдорида захира ташкил қилишлари шарт (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат

банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби» 1998 йил 9 ноябрдаги 242 сон билан тасдиқланган йўриқномасининг 2.5.1-2.5.5 моддалари). Бундай ҳолат «ёмон» кредитлар банкнинг жорий даромадига таъсир ўтказмаслигини билдиради.

Банк ҳисобида юритиладиган кредитлар категориясидан бири ҳаракатсиз ёки муддати ўтган ва камаймайдиган кредитлардир («ўстирмаслик» мақоми берилган активлар). Мавжуд норматив ҳужжатларга кўра, ўрнатилган тўлов графигига нисбатан 180 кун давомида тўланмаган кредитлар шу категорияга киритилади. Кредит ҳаракатсиз (умидсиз) деб топилганиданок, ҳисобланган, аммо банк томонидан кирим қилинмаган фоизлар даромаддан чегирилади ёки баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилади. Келгусида кредит бўйича тўловлар амалга оширилгунга қадар, фоизларни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тўхтатилади. Шунинг эътиборга олиш керакки, тўловлар биринчи навбатда ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадларни, кейинги навбатда эса кредитнинг асосий қарзини тўлашга йўналтирилади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида»ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 24 январда 1304 сон билан рўйхатга олинган).

Мижозларнинг акцептлар бўйича мажбуриятлари. У одатда, йирик банклар ўз мижозлари учун акцептни молиялаштириш кўринишидаги кредит берилиши мумкинлигини кўзда тутадилар. Бу мақсадда ишлатиладиган маблағлар активлар бўлимида акцептлар бўйича тўланмаган мажбуриятлар номи билан ҳисобга олинади. Бу модданинг суммаси банк мижозни кредитлаш юзасидан (одатда, хориждан товарларни импорт қилишда ёрдам бериш учун) қўллашга розилик берган пайтида кўпаяди. Бу ҳолатда банк акцепт (яъни аккредитив) бериш йўли билан учинчи шахсга (масалан, хорижий товар экспортерини) келгусида, акцепт берган банк маълум суммани тўлаши зарурлиги кўрсатилган айланма векселни ёзиш ҳуқуқини ўтказди. Белгиланган муддат ёки у келгунга қадар банкнинг акцепт олган мижози кўрсатилган суммани тўлиқ тўлаши керак. Ўз навбатида, банк – эмитент ўрнатилган муддатда айланма векселнинг юза томонида кўрсатилган суммани ушбу моливий инструмент эгасига тўлаши зарур бўлади.

Бугунги кунда банк акцептлари халқаро савдони молиялаштиришда кенг қўлланилади.

Иккинчи даражали активлар. Банк активлари жумласига бино ва иншоотларнинг соф қиймати (амортизация ажратмаси ҳисобга олинган

ҳолда), шуъба корхоналарга инвестициялар ва бошқа унча аҳамиятли бўлмаган позицияларни киритишимиз мумкин. Моддий маблағларнинг қиймати, яъни бино ва ускуналарга сарфланган фиксацияланган активлар одатда активлар ҳажмида кам салмоқни ташкил қилади. Бу жараённинг юзага келиши асосан банк мулки қийматининг ошиши билан боғлиқдир. Банк активларининг асоси бўлиб, фиксацияланган активлар эмас, балки молиявий талабномалар (кредитлар ва қимматли қоғозлар) чиқади. Аммо фиксацияланган активлар билан амортизация ажратмалари, мулк солиғи ва х.к. кўринишидаги фиксацияланган муомила харажатлари юзага келади.

Пассивлар.

Депозитлар. Ҳар қандай банк пассивларининг асосий ташкилий қисми – жисмоний ва юридик шахсларнинг (резидент ва норезидентларнинг) банкга бўлган молиявий талабномаси ҳисобланадиган депозитлардир.

Ҳаракатдаги банк қонунчилигига кўра банк тугатилиши чоғида, банк активлари сотилишидан келиб тушадиган маблағлар биринчи навбатда мижозларнинг талаблари қондирилиши йўналтирилади. Қолган кредиторлар эса қанча маблағ қолса, шунга эгалик қилишади. Депозитларнинг қуйидаги асосий тўрт тури мавжуд:

- *Талаб қилгунга қадар депозитлар.*
- *Муддатли депозитлар.*
- *Жамғарма депозитлари.*
- *«Гибрид» ёки махсус депозитлар (ҳисоб-китоб чеклари, аккредитивлар, депозит ячейкалари ва х.к.).*

Асосий қисм депозитлар жисмоний ва юридик шахсларга тегишлидир. Аммо давлат органлари ҳам йирик депозит ҳисобварақларига эгадирлар. Масалан, бюджетдан ташқари пенсия фонди жамғармасига ажратмалар унинг депозит ҳисобварағига келиб тушади. Худди шундай Молия вазирлиги томонидан қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушум ёки ДСҚ томонидан йиғиладиган солиқлар тегишли банкларда очилган депозит ҳисобварақларда йиғилиб боради. Шунингдек, йирик банклар депозитларни жалб қилиш ишларида ўзларининг хорижий бўлимларидан фойдаланишлари мумкин.

Банк маблағларининг ҳолати кўп жиҳатдан депозитлар билан белгиланади. Улар банк жами активларининг диярли 60 – 70% ни таъминлайди. Бунга сабабчи бўлган омил сифатида банкнинг бошқа банклар ва ҳукумат олдидаги қарз мажбуриятларининг кўпайганлигини қайд қилиш мумкин. Кичик ва ўрта банклар учун депозитлар билан ишлаш анча рисклидир. Негаки омонатчиларнинг молиявий талаблари ниҳоятда ўзгарувчанлиги ҳамда банк шахсий капиталига нисбатан депозитлар суммасининг анча катталиги

(Марказий банк томонидан рухсат этилган максимал нисбат 2010 йил 1 январи ҳолатига 1:15) банкротлик ҳолатининг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин. Шунинг учун банк доимий равишда юқори ликвидлик даражасини ушлаб турган ҳолда, депозитлар оммавий ҳолда олинишига тайёр туриши керак бўлади. Риск ва ликвидлиликнинг икки томонлама таъсири остида, банклар кредитлар ва бошқа активларга эҳтиёткорлик билан ёндашишлари зарурдир. Тегишли тартибда ишлай билмаслик (омонатчилар талаблари таъсирида) банкнинг молиявий инқирозига олиб келиши хавфини келтириб чиқаради.

Нодепозит манбалардан жалб қилинган маблағлар. Гарчи депозитлар банк ресурсларининг асосий қисмини ташкил қилсада, иккинчи даражали манбалардан келган маблағлар ҳам етарли даражадаги салмоққа эгадир. Булар жумласига пул бозоридан жалб этилган маблағларни киритишимиз мумкин. Банк қанчалик йирик бўлса, у шунчалик катта миқдорда молиялаштиришнинг нодепозит манбаларини ишлатади. Сўнгги йилларда нодепозит манбаларини ўзлаштиришнинг юқори даражада ўсишининг сабабларидан бири - ушбу турдаги манбаларнинг барчасига, молиялаштиришнинг миқдорини сезиларли камайтирувчи, резерв мажбуриятлари қўйилмаганлигидир. Бундан ташқари нодепозит манбаларни ўзлаштириш муддати бир неча дақиқани олади ва шу заҳотиёқ банкка келиб тушади. Албатта асосий камчилик - нодепозит маблағлар бўйича фоиз ставкасининг нисбатан юқорилигидир. Агар кўрсатилган манбалардан маблағ ўзлаштиришга ҳаракат қилаётган банк молиявий кийинчиликлар билан тўқнаш келса, банк учун ўзлаштириш қиймати юқори бўлиб кетиши мумкин ёки пул бозоридаги қарз берувчилар банкка кредит беришдан бош тортишади.

Диярли барча нодепозит молиялаштиришнинг муҳим манбаси бўлиб, банклараро кредитлар ва қайта сотиб олиш келишуви билан қимматли қоғозларни сотиш (РЕПО битимлари) ҳисобланади. Бу моддалар ўзида банкнинг пул бозоридан жалб қилган маблағларини акс эттиради. Бошқа қисқа муддатли қарзлар жумласига Марказий банкнинг «ҳисоб ойналари» орқали ёки халқаро банклардан олинган ёки ўзининг хорижий бўлинмаларидан қарзга олинган заҳираларни киритиш мумкин. Баъзи банклар шунингдек, узок муддатли қарз мажбуриятларини (қарз қимматли қоғозларини) муомилага чиқариши мумкин.

Бошқа пассивлар. Бошқа пассивлар бўлими банкнинг иккинчи даражали қарз мажбуриятларини акс эттиришга хизмат қилади, мисол учун бу бўлимга қўлида банк акцептлари бўлган инвесторларга тўловлар бўйича мажбуриятлар ва кечиктирилган солиқ тўловларини киритишимиз мумкин.

Хусусий капитал. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг капиталга доир қисмида банк капиталидаги акционерларнинг улуши кўрсатилади. Ҳар қандай янги банк ўз фаолиятини таъсисчилар томонидан қўйилган маблағдан бошлайди (2008 йилнинг 1 январидан фаолиятини бошловчи тижорат банклари учун минимал 5 млн. ЕВРО га эквивалент бўлган сумма). Шундан сўнг ўз операциялари амалга ошириш учун кенг омманинг пул маблағларини жалб қилиш ишлари билан шуғулланади. Мантиқан банклар ўз фаолиятини юритиш учун маблағларни жалб қилувчи ташкилотдир. Асосий қисм банклар балансининг капиталга оид моддаларига банк жами активларининг 10 -15 % қисми тўғри келади.

Ҳисоботда муомилада бўлган оддий акцияларнинг номинал қиймат бўйича умумлашган суммаси акс эттирилади, гарчи сотиш нархи номиналга нисбатан юқори бўлса, ўртадаги фарқ қўшилган капитал моддасида кўрсатилади.

Шунингдек, банклар муомилага оддий акцияларга тўланадиган дивидендларга нисбатан кўп дивиденд тўланадиган имтиёзли акцияларни чиқаришади. Банк ишида имтиёзли акциялар «қимматга тушадиган» иш деб ҳисобланади (биринчи навбатда улар бўйича дивидентлар солиққа тортилмайди) ва оддий акциялар эгалари томонидан даромаднинг бир қисмининг олинмаслигига олиб келади.

Баланснинг ушбу бўлимида тақсимланмаган фойда қисми муҳим аҳамиятга эга. У ўз таркибига акционерларга дивидентлар тўлагандан кейин қолган ва йилдан-йилга йиғилиб бориладиган умумий соф фойда суммасини олади. Хусусан, Баланснинг ушбу қисмида кўзда тутилмаган зарарларни коплаш учун резервлар суммаси кўрсатилиши мумкин.

Ўрта ва йирик банкларнинг балансида субординациялашган қарз мажбуриятлари, бошқача айтганда омонатчиларнинг талаблари кондирилгандан сўнг, кейинги навбатда банк активлари ва даромадига талабномалар (бу маънода улар субординациялашган) кўрсатилади. Кўпгина банк аналитиклари субординар қарзларга банк капитал базасининг бир қисмидек карашади, негаки ушбу қарз эгаларининг банк ресурсига нисбатан талаблари шунчалик даражада аҳамиятсизки, ҳатто уларни омонатчилар талабномаларини қондиришга ҳам ишлатиб юбориш мумкин.

(маълумот тарзида: Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилга келиб, банкларнинг жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди. Бошқача қилиб айтганда сўнгги 10 йил ичида иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди)

1.3. Банк активлари ва пасивларининг мувофиқлигини таъминлашни стратегик режалаштиришнинг назарий – услубий асослари

Стратегик режа – низом фаолиятининг барча йўналишлари бўйича кредит муассасаси миссияси ва уни амалга оширишнинг аниқ стратегиясини акс эттирувчи стратегик режалаштиришнинг жуда муҳим натижасидир. Стратегик режа банк раҳбарияти ва етакчи мутахассислари томонидан стратегик режалаштириш методологиясининг стандарт технологияларига таянилган ҳолда ишлаб чиқилади ва ўз таркибига саккиз босқични олади.

1 – босқич. Банк миссиясини танлаш.

Банк миссияси қуйидагиларни акс эттиради:

- банк бизнесининг устувор йўналиши (у тегишли рақобатбардошлик даражасини таъминлаши зарур);

Мисол: «Банк бизнесининг устувор йўналиши кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилиши соҳасидаги тор ихтисослашув бўлиб, минтақанинг барча категориядаги тадбиркорларига кўрсатилаётган хизматлар жазибадорлигини таъминлайди».

- банк низом фаолиятининг ҳар бир йўналиши бўйича стратегик мақсадлар ва уларни амалга ошириш бўйича ёндашувлар рўйхати;

Мисол: «Банк ходимлар стратегиясининг устувор мақсади меҳнат жамоасида «корпоратив муҳит» муносабатларини шакллантириш ва унинг сақланишини таъминлашдир. Қўйилган мақсадга (амалий жиҳатдан) ушбу стратегия амалга ошириш жараёнида «инсон капиталини ривожлантириш» доктринасининг барча талабларини бажарилиши билан эришилади».

Банк миссиясини танлашга таъсир ўтказувчи омиллар:

- банк тарихи (биринчи навбатда, инқироз ва ноанъанавий вазиятларда стратегик хатоликлардан сақланиш имкониятини берувчи бозордаги фаолият тажрибаси);

- банк маданияти (фаолиятни бошқаришда соҳасида юзага келади);

Изоҳ: банк ташкилий – бошқарув маданиятининг асосий критерийлари қуйидагилардан иборат:

- асосий молиявий операцияларни бошқаришнинг расмийлаштирилган технологияларининг мавжудлиги;

- самарали информацион таъминот (банк разведкасининг баъзи элементларини ўз таркибига олади);

- «инсон капиталини ривожлантириш» доктринаси доирасида аниқланган методология асосида ходимларни бошқариш;

- мижозларга хизмат кўрсатиш ва банклараро муомилаларда информацион технологиялардан кенг қўламли фойдаланиш.

- банкнинг режалаштирилаётган ёки тарихан шаклланган ташкилий структураси.

Мисол: бошқарувнинг анъанавий ташкилий структурасига эга бўлган банк ўз миссиясида (хизматларнинг умуман янги сифатини мижозларга тақлиф қилиши мумкин бўлмаганлиги сабабли) амбициоз мақсадларни қўйиши керак эмас.

- банк асосий муассисларининг қимматликлари:

- назарий (асосий муассисларнинг банк иши ва бошқарувнинг назарий асосларин билан танишлиги даражасини акс эттиради);

мисол: одатда, муассислар бошқарув назарияси асосларини қанчалик яхши билишса, банкни оператив бошқариш ишларига шунчалик кам аралашади.

- иқтисодий (даромад олиниши билан бир қаторда банк фаолиятининг бошқа мақсадларига эриши зарурлиги муассислар томонидан англаниш даражасини акс эттиради;

Мисол: Россия банк тизими амалиётидан бизга маълумки, ўтган асрнинг 90 – йилларида аксарият банклар муассислари томонидан «кўп ва дарҳол» принципининг қўлланилиши банкларнинг молиявий мустаҳкамлигига путур етказди.

- ижтимоий (муассисларнинг банкнинг ёлланма ходимлари ва маъмурияти ўртасидаги муносаббатларига қарашларини акс эттиради);

Мисол: муассисларнинг замонавий банк фаолиятига «инсон омили» нинг таъсири тушиниши даражасига қараб, банк маъмурияти томонидан

(келгусида ходимлар стратегияси асосида турувчи) меҳнат муносабатларини ташкил қилишининг базавий доктриналаридан бири танланади.

- эстетик (умум маданий устуворликларни акс эттиради);

Мисол: банк томонидан молиялаштириладиган маданий тадбирлар (концерлар, кўргазмалар ва х.к.) банкнинг ижобий имижини шакллантиришининг анъанавий инструменти ҳисобланади. Бунда қўллаб – қувватлашнинг аниқ объектининг (симфоник оркестр ёки рок – гуруҳ) танланиши, кўп ҳолатларда муассисларнинг эстетик дунёқарашига боғлиқ.

- диний (муассиснинг қайси динга эътиқод қилишини акс эттиради).

Мисол: бу омил ҳомийлик фаолияти, шунингдек банк раҳбарияти танлови амалиётида кўплаб учрайди (қонунчилик нормаларида ман қилинган бўлса ҳам)

Банк миссиясига қўйилган методологик талаблар:

- банкнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш – бош талаб, у кучларнинг тарқоқлашиши (миссиянинг жуда мураккаблиги ёки масштаблиги оқибатида), бир пайтнинг ўзида фаолият кўламининг етарли бўлмаслигининг (жуда кучсиз миссия натижасида) олдини олиши зарур;

- фаолиятни банк муассислари учун максимал даромад олинишига йўналтиришига йўл қўймаслик даркор, бу перспектив бозор позициясига ёмонлашуви хавфини келтириб чиқаради;

- дастурий характердаги тегишли ҳужжатда банк миссияси расмийлаштирилиши керак (аксинча ҳолатда оғзаки тартибда келишилган миссияни амалга ошириш жараёнида банкнинг асосий муассислари ўртасида маълум низолар келиб чиқиши мумкин).

Банк миссиясини таснифлаш ва ошкор қилишга ёндашувлар:

- расмий ва ошкор характеридаги ягона миссиянинг мавжудлиги (стратегик бошқарув назариясининг талаби);

- икки миссиянинг мавжудлиги, биринчиси асосан декларатив, реклама характерида бўлса, иккинчиси ҳақиқий одатда, конфиденциал мақсадларни акс эттиради (бу агрессив рақобат муҳитида фаолият олиб боровчи бозорнинг реал субъектлари учун анча характерлидир).

2 – босқич. Банкнинг стратегик мақсадларини аниқлаш.

Стратегик мақсадлар – илгари таснифланган миссияни амалга оширишга йўналтирилган, низом фаолиятининг барча йўналишлари бўйича банкнинг кенг қўламли масалалари.

Стратегик мақсадларни аниқлашда ҳисобга олинadиган омиллар:

- банкнинг ички ресурслари (биринчи навбатда молиявий, информацион ва меҳнат) – устувор омил сифатида;
- муассислар томонидан қўйилган талаблар (банк рентабеллигининг режа даражаси, ихтисослашиш йўналиши ва х.к.);
- ички ва ташқи муҳитнинг чегаловчи ва қўллаб – қувватловчи омиллари (қонунчилик, рақобатчилар, мижозлар, персонал, технолгиялар ва х.к.);
- банкнинг корпоратив маданияти.

Белгиланган мақсадларга қўйилган методологик талаблар:

- реаллик, яъни уларга амалий жиҳатдан эришишнинг мумкинлиги (биринчи навбатда банкда мавжуд бўлган ресурслар билан аниқланади) – бош талаб сифатида;
- аниқлик, яъни бевосита бажарувчилар томонидан бир хидга тушунилиши ва талқин қилиниши;
- ўлчовлилик, яъни уларни миқдорий таснифлаш мумкинлиги;
- вақт давомидаги йўналтирилганлик, яъни қўйилган мақсадларни вақт нўқтаи – назаридан дифференцияланиши – узок муддатли, ўрта муддатли ва жорий ва уларга эришишнинг аниқ муддаларини белгилаш;
- бир хиллилик, яъни банк фаолиятининг турли йўналишлари бўйича мақсадлар қарама – қаршилигининг мумкин эмаслиги.

«Мақсадлар дарахти» - иерархик кетма – кетликда бир – бирдан келиб чиқувчи банк стратегик мақсадлари жамланмаси бўлиб, қуйидаги структуравий элементлардан иборат:

«Илдизлар» - низом фаолиятини олиб боришда ишлатиладиган ресурсларнинг келиб тушишининг қуйидаги манбалари жамланмаси:

- молиявий ресурслар билан таъминлаш манбалари (банкларимиз учун устувор);
- информацион ресурслар билан таъминлаш манбалари (хориж банклари учун устувор);
- меҳнат ресурслари билан таъминлаш манбалари (банкнинг минтақавий жойлашувига устувор боғлиқ);
- технологик ресурслар билан таъминлаш манбалари;
- моддий – техник ресурслар билан таъминлаш манбалари.

Изоҳ:қўйилган стратегик мақсадлар масиштиби ресурс таъминоти сифатига бевосита боғлиқ. Шунинг учун банк раҳбарияти бозордаги фаолияти давомидида ресурс базасини яхшилаш учун доимий равишда барча имкониятлардан фойдаланиши зарур.

«Дарахт танаси» - банк миссияси ва ундан келиб чиқадиган бозор фаолияти стратегияси (стратегик режани ишлаб чиқишнинг 6 – босқичи).

«Дарахт танасидан ўсиб чиққан асосий шохлар» - банк низом фаолияти йўналишлари бўйича стратегиялар:

- молиявий стратегия;
- маркетинг стратегияси;
- ходимлар стратегияси;
- ўз хавфсизлиги таъминлаш стратегияси;
- рискларни бошқариш стратегияси.

«Бошқа шохлар» - юқоридан кўрсатилган стратегиялар доирасидаги сиёсатлар:

- маркетинг стратегияси доирасида:

- ассортимент сиёсати (хизматлар ассортиментини бошқариш соҳасида устувор йўналишлар);
- бозорнинг янги сегментларини эгаллаш сиёсати (бозорнинг янги сегментига кириб бориш ёки чиқиш усуллари соҳасидаги устувор йўналишлар);
- баҳо сиёсати (нархни шакллантиришга стратегик ёндашувлар);
- реклама сиёсати (реклама фаолиятини ташкил қилиш соҳасидаги устувор йўналишлар).

- молиявий стратегия доирасида:

- жорий ликвидлиқни таъминлаш сиёсати (маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш муддатларини мувофиқлаштиришга стратегик ёндашувлар);
- фоиз сиёсати (жалб қилинадиган ва жойлаштириладиган молиявий ресурслар бўйича фоиз ставкалари диванонини бошқаришга стратегик ёндашувлар);
- эмиссион сиёсат (маблағларни жалб қилиш учун қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятнинг стратегик устувор йўналишлари);
- депозит сиёсати (жисмоний ва юридик шахслар депозитлари бозорида фаолиятни ташкил қилишнинг стратегик устувор йўналишлари);
- кредит сиёсати (банк ссуда портфелини бошқаришда стратегик устувор йўналишлар);

- фонд сиёсати (қимматли қоғозлар портфелини бошқаришдаги стратегик устувор йўналишлар);

- дивиденд сиёсати (дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашнинг умумий тартибини аниқлашга стратегик ёндашувлар).

- ходимлар стратегияси доирасида:

- ходимлар сонини тартибга солиш сиёсати;
- ходимларни ривожлантириш сиёсати;
- ходимлар мотивацияси сиёсати;
- ижтимоий сиёсат.

- хавфсизликни таъминлаш стратегияси доирасида:

- тижорат рискларини бошқариш сиёсати;
- молиявий рискларни бошқариш сиёсати;
- ходимлар рискинни бошқариш сиёсати;
- технологик рискларни бошқариш сиёсати;
- бошқарув рискларини бошқариш сиёсати.

«Барглар» - юқорида кўрсатилган сиёсатлар доирасидаги аниқ стратегик мақсадлар.

«Мевалар» - юқорида таснифланган мақсадлар таъминлаб берадиган банк фаолиятининг молиявий ва бошқа натижалари ҳамда режалаштирилаётган бозор позицияси.

Банк фаолияти йўналишлари бўйича мақсадлар қуйидагича гуруҳланади:

- тижорат характеридаги мақсадлар — аксарият хориж банклари учун устувор;

- молиявий характердаги мақсадлар — аксарият банкларимиз учун устувор;

- технологик характердаги мақсадлар;

- кадрлар характеридаги мақсадлар;

- банк хавфсизлиги соҳасидаги мақсадлар.

Изоҳ: тўрт сўнгги гуруҳ алоҳида олинган ҳар бир банк учун (низом фаолиятининг тегишли йўналишидаги бошқарувнинг ҳақиқий самарадорлиги ҳисобга олинган ҳолда) индивидуал тарзда ишлаб чиқилади.

3 – босқич. Бозорнинг жорий ҳолати таҳлили.

Амалий вазифа — банкнинг бозордаги ривожланиши стратегиясини шакллантириш учун зарурий бўлган дастлабки маълумотларни йиғиш.

1 – қадам. Хизмат кўрсатиладиган бозорни (танланган мижозлар гуруҳи билан банк махсулоти кесишмаси юзага келадиган жой сифатида) танлаш:

- жозибали мижозлар гуруҳини аниқлаш (биринчи қадам);
- танланган мижозлар гуруҳи талабини (яъни уларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини) аниқлаш;
- танланган мижозлар гуруҳи эҳтиёжини қондирувчи аниқ банк хизматларини аниқлаш;
- мижозларнинг тегишли эҳтиёжларининг қаноатлантирилиши имкониятлари ва банк учун иқтисодий мувофиқлигини баҳолаш;
- мижозлар талабини қаноатлантириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлаш ва маблағлар манбаларини излаб топиш.

2 – қадам. Ўрганилаётган бозорлар характеристикасини баҳолаш:

«А» гуруҳи – бозор характеристикалари, улар орқали бозорнинг умумий ҳолати, ривожланишининг асосий тенденциялари ва потенциал мижозларнинг бахзавий характеристикалари баҳоланади:

- бозор ҳажми;
- вужудга келган ривожланиш суръатлари;
- башорат қилинаётган ўсиш суръатлари;
- мижозларнинг умумий миқдори;
- хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг концентрацияси даражаси;
- мижозлар концентрациясидаги тенденциялар.

«Б» гуруҳи – хизматлар характеристикаси, унинг ёрдамида истеъмолчилар томонидан қўйилган талаблари билан таққосланган тарзда банк махсулотлари баҳоланади:

- алоҳида олинган хизматнинг мижоз учун муҳимлиги;
- мижозлар томонидан қарор қабул қилиниши жараёни;
- мижозлар томонидан хизматларнинг сотиб олиниши даврийлиги;
- хизматларнинг истеъмолчиларга етказиб берилиши жараёни;
- мижозларнинг молиявий характеристикаси;
- хизматларнинг бозордаги дифференцияси даражаси;
- хизматларга қилинаётган харажатлар даражаси;
- хизматларнинг нисбий даромадлилиги;
- хизматлар даромадлилигининг тенденциялари;
- бозорнинг янги хизматларни қабул қилиши имкониятлар ва янги хизматларнинг жорий қилинишига унинг реакцияси.

«В» гуруҳи – рақобатнинг характеристикаси, унинг ёрдамида банкнинг бозордаги потенциал рақобатбардошлиги баҳоланади:

- рақобатчилар сони;
- таъсир соҳаларининг бўлинишидаги тенденциялар;

- рақобатчилар концентратияси даражаси;
- бозорга киришда тўсиқлар;
- бозордан чиқишда юзага келадиган тўсиқлар;
- банк ва унинг рақобатчиларининг таққослама таҳлили кўрсаткичлари.

«Г» гуруҳи – муҳит характеристикаси, у макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичларни акс эттиради (стратегик режа ишлаб чиқишнинг 5 – босқичи).

3 – қадам. Бозор жозибадорлигини баҳолаш (юқорида кўрсатилган барча омиллар доирасида бозорнинг танланган ҳар бир сегменти бўйича алоҳида амалга оширилади), баҳолашнинг қуйидаги технологиясидан фойдаланган ҳолда:

- юқорида кўрсатилган омилларнинг ҳар бири 5 баллик шкалала баҳоланади (5 балл сегмент жозибадорлигини олий даражаси);
- бозорнинг таҳлил қилинган ҳар бир сегменти бўйича баллар йиғиндис аниқланади;
- йиғинди балларни таққослаш асосида таҳлилдан ўтказилган банк хизматлари бозори сегментларининг нисбий жозибадорлик даражаси баҳоланади.

Изоҳ: бозорларни гуруҳлаб бўлгач, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- рўйхатнинг биринчи позицияларини «стратегик аҳамиятли бозорлар» тариқасида белгилаб олиш, жорий конъюктурасининг ўзгаришидан қатъий назар унда банк фаолият олиб бориши шарт;
- рўйхатнинг сўнгги позициялари жозибадор бўлмаган ёки кириш имконияти йўқ сифатида ўчириб ташлаш;
- ўзга бозорларда банк фаоллиги жорий конъюктурага боғлиқ эканлигини белгилаш.

4 – босқич. Макро ва микро муҳит омилларини баҳолаш.

Баҳолаш мақсади: банкнинг келажакдаги ҳолатини башоратлаш, банкга ноқулай таъсири бўлган омилларни бартараф қилиш стратегияларни ишлаб чиқиш.

1 – қадам. Муҳитнинг макроиқтисодий таҳлили (банк объектив ҳолда таъсир ўтказиши мумкин бўлмаган ва фойдаланиши ёки эҳтиёткорлик билан четлаб ўтиши зарур бўлган ташқи омилларни баҳолаш):

А) сиёсий омиллар (устувор гуруҳ сифатида):

- банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари;
- солиқ қонунчилиги;

- ўзга норматив ҳужжатлар;
- нобанк муассасалар билан муносабатлар;
- хорижий банклар билан муносабатлар.

Изоҳ: сўнгги икки гуруҳ «сиёсий гуруҳ» сифатида кўриб чиқишига сабаб, уларнинг ёрдамида банк стратегик масштабдаги (нобанк молия муассасаларининг молиявий оқимларига хизмат кўрсатиши, ташиқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиши) қўшимча бозор имкониятларига эга бўлишидир.

Б) иқтисодий омиллар:

- ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўсиш суръатлари;
- инфляция суръатлари;
- валюта курсларининг ўзгариши;
- фоиз ставкаларининг ўзгариши;
- пул эмиссияси суръатларининг ўзгариши;
- мамлакат ва алоҳида олинган минтақадаги ишсизлик даражаси;
- банкни қизиқтирувчи тармоқларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари.

Изоҳ: юқорида кўрсатилган омиллар банк стратегиясига бевосита ёки билвосита – миждозлар ва бизнес – ҳамкорлар орқали таъсир ўтказади.

В) технологик омиллар:

- иқтисодиётнинг турли тармоқларида технологияларнинг такомиллашуви;
- банк ишида технологияларнинг такомиллашиши;
- замонавий коммуникацияларнинг мавжудлиги.

Изоҳ: юқорида кўрсатилган омилларнинг таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

- турли соҳаларда технологияларнинг янгиланиб бориши суръати кредит ресурсларига бўлган потенциал талаб ва уларнинг банк учун жозибадорлик даражасини ўзгатиради;

- янги банк технологияларни жорий қилиш учун молиявий имкониятлар ҳамда мутахассисларнинг мавжудлиги банкнинг бозор позициясини аниқлаб беради;

- замонавий коммуникацияларнинг мавжуд бўлмаслиги чет ҳудудлардаги банкларнинг бозор позициясига салбий таъсир ўтказади.

Г) демографик омиллар:

- тўғилиш даражаси;
- аҳолини сони;
- аҳолининг ёш бўйича структураси;
- ижтимоий – иқтисодий структура;
- географик жойлашув структураси;
- меҳнатга қобил аҳолининг малакасининг ўртача даражаси.

Изоҳ: юқоридаги омилларнинг таъсири, биринчи навбатда банкнинг минтақавий ривожлантириш режаларининг шакллантирилиши чоғида намоён бўлади ва унинг минибанклари ва филиалларини жойлаштириш учун у ёки бу жиҳатдан жозибали ҳудудларни аниқлаб беради.

Д) маданий омиллар:

- ҳаёт тарзидаги тенденциялар (масалан, таътил пайтида турли масканларда дам олувчи фуқаролар салмоғининг ошиб бориши тенденцияси);
- таълим даражасидаги тенденциялар (масалан, ўз таълими ва фарзандларининг таълим олиши учун тўловларни амалга оширишга тайёр бўлган фуқаролар салмоғининг ошиб бориши тенденцияси);
- профессионал ихтисосликнинг танланишидаги тенденциялар (фаолият соҳасининг у ёки бу жабҳасининг жозибадорлигининг жорий даражасини акс эттиради);
- таълим олиш турини танлаш ва таъли олишдаги тенденциялар (тўловли ёки грант, техник ёки гуманитар ва х.к.);
- банк хизматларига мурожжат қилишнинг мақсад мувофиқлиги юзасидан жамиятда мавжуд фикрлар (масалан, уй – жой муаммосини ҳал қилиш учун);
- банк хизматларига мурожаат қилиш тенденциялари.

Мисол: аксарият қисм «юқори даромадли» аҳоли гуруҳларининг шаҳардан шаҳар олди туманларига кўчиб ўтиши янги минибанкларни жойлаштириш стратегиясини ўзгаришига асос бўлади.

Е) иқлимий – географик омиллар:

- иқлим;
- денгиз ва йирик дарёларга чиқиш;
- ўзга ўхшаш омиллар.

Изоҳ: юқоридаги омиллар худди демографик характердаги омиллар каби банкнинг минтақавий ривожланиш режаларини аниқлаб беради.

2 – қадам. Муҳитнинг микроиқтисодий таҳлили (банк бевосита ёки камида билвосита таъсир ўтказиши мумкин бўлган ички омилларни баҳолаш):

- рақобатчилар билан муносабатлар (банк ва унинг асосий рақобатчилари томонидан олиб борилаётган рақобат сиёсатининг агрессивлик даражаси);

- мижозлар билан муносабатлар (доимий мижозларнинг салмоғи ва улар билан ўзаро ишнчли алоқалар даражаси);

- ички банк муносабатлари (биринчи навбатда, жамоадаги психологик муҳит ва фаолиятнинг ходимлар йўналиши бўйича бошқарув маданиятининг умумий ҳолати);

- аудиторлар билан муносабатлар (масалан, ҳудудий солиқ хизмати билан доимий низоларнинг мавжуд эмаслиги);

- воситачилар билан муносабатлар (банк учун аҳамиятли бўлган воситачилар билан стратегик ҳамкорликнинг мавжудлиги);

- таъминотчилар билан муносабатлар (юқоридаги пункгга ўшаш тарзда).

5 – босқич. Имкониятлар ва хатарларни баҳолаш.

Асосий вазифа: банк стратегиясига таъсир ўтказувчи янги бозор имкониятларини очувчи ёки ташқи хавф манбаси бўлган омилларни аниқлаш.


Баҳолаш технологияси: микро ва макро муҳит омиллари умумий рўйхатидан банкнинг рақобатбардошлик даражасини кучайтирувчи (янги имкониятларни яратувчи) ёки аксинча, тегишли бозордаги рақобат позициясини кучсизлантирувчилари белгиланади.

6 – босқич. Банкнинг бозор фаолияти стратегияси.

Бу босқич стратегик режалаштириш технологиясининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Унинг мақсади – стратегик моделни танлашдир. Ушбу модел асосида рақобатчилар, мижозлар ва бошқа бизнес ҳамкорлар билан муносабатлар шакллантирилади. Бунда нафақат ички ва ташқи шароитнинг жорий ҳолатини объектив тарзда таҳлилдан ўтказиш, балки эҳтимолий ўзгаришларни башоратлаш ҳам талаб қилинади. Бозор фаолиятининг уларга адекват бўлган вариантини тўғри танлаш кредит муассасасига узоқ муддатли тижорат ва молиявий муваффақият келтиради. Хатоликлар ўз навбатида катта йўқотишларга олиб келади. Оптимал

вариантни танлашга қўйилган талаблар шунингдек, улардан исталгани банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича комплекс стратегик тадбирларни амалга оширилишини тақозо қилиши билан кучаяди. Буни қуйидаги схемада кўриш мумкин:

Банкнинг бозор фаолияти стратегиясини танлаш билан боғлиқ стратегик алтернативалар.



Стратегиянинг мумкин бўлган вариантлари:

1 – вариант. Ривожланиш стратегияси, у агрессив рақобат кураши асосида бозорнинг тегишли сегментида банкнинг тезкор ривожланишини назарда тутди.

Афзалликлари:

- банкнинг бозор позицияси ва молиявий натижаларнинг тезкор яхшилаш имкониятининг мажбурлиги;
- барча йўналишлари бўйича бошқарув маданияти ошириб бориш.

Камчиликлари:

- банк хавфли бўлган ва қimmatга тушадиган бошқарув ва хавфсизликни таъминлаш стратегияларини амалга ошириш зарурати;
- катта миқдордаги дастлабки молиявий харажатларнинг амалга оширилиши зарурати.

Амалга ошириш юзасидан таклифлар: ташқи ёрдамсиз бозорга чиқаётган аксарият банклар ва алоҳида бозор имкониятларининг пайдо бўлиши шароитида мақсадга мувофиқ.

Изоҳ: стратегик бошқарув методологиясига биноан ушбу вариант доимий равишда ёки узок муддат давомида қўлланилиши мумкин эмас.

2 – вариант. Қисқартириш стратегияси, у пасив рақобат сиёсати амалга оширилиши жараёнида бозорнинг банк томонидан хизмат кўрсатилаётган сегментини камайтирилишини назарда тутди.

Афзалликлари:

- стратегиянинг энг кам харажати ва рискли варианты;
- бозор конъюктурасининг узок муддатли ёмонлашуви пайтида тезкорлик билан («чиқиш» тўсиқлари пайдо бўлгунга қадар) ундан воз кечиш.

Камчиликлари:

- ўз ташаббуси билан эмас, балки рақобатчилар таъсири остида хизмат кўрсатилаётган бозордан чиқиб кетиш банкнинг дастлабки стратегиясининг смарасиз эканлигидан далолат беради.
- жозибadorлигини йўқотиб бораётган бозордан чиқиб кетишида кечиқиш «чиқиш» тўсиқларига дуч келиниши эҳтимолини кучайтиради.

Амалга ошириш юзасидан таклифлар: вариант қуйидагилар учун мақсадга мувофиқ:

- рақобатчилар таъсири остида бозорнинг хизмат кўрсатилаётган сегментини қисқартиришга мажбур бўлаётган банклар учун;
- илгариги жозибadorлигини йўқотган бозордан олиб чиқилган активларни йўқотишларсиз жойлаштириш имконияти бўлган банклар учун;
- бозордаги узок вақт давомидаги фаолияти натижасида барқарор миқдорлар базасини яратган ва амалга оширилаётган миссия доирасида уни кенгайтириш истагида бўлмаган банклар учун.

Изоҳ: сунгги ҳолатда банк томонидан хизмат кўрсатилаётган сегменти бозорнинг табиий ривожланиши ҳисобига доимий қисқариб боради (банк молиявий натижалар даражасини сақлаб қолсада).

3 – вариант. Чегараланган ривожланиш стратегияси, у хужумкор рақобат сиёсатининг амалга оширилиши асосида тегишли бозорда банкнинг босқичма – босқич ва қатъий ҳисоб – китоб қилинган тарзда ривожланишини назарда тутди. Вариант стратегик компромисс бўлиб, кўриб чиқилган стратегияларнинг камчиликларини камайтиради, лекин афзалликларидан тўлиғинча фойдаланиш имкониятини бермайди.

Амалга ошириш юзасидан таклифлар: аксарият банклар учун мақсадга мувофиқ.

4 – вариант. Юқорида кўриб чиқилган вариантларнинг бирлаштирилиши стратегияси, у йирик универсал банк томонидан хизмат кўрсатилаётган ҳар бир бозор сегментида юқоридаги стратегиялардан бирини қўллаши имкониятини назарда тутди.

Изоҳ: ушбу вариантнинг амалга оширилишининг мумкинлиги йирик банклар учун энг муҳим рақобат афзалликларидан биридир. У активларнинг асосий қисmini энг жозибали бозор сегментларида ишлатиш имкониятини беради (кичик банклар ўз сегментида қатъий боғланиб қолган ва у билан бирга муваффақият ёки мағлубият қозонади).

Стратегиянинг танланишига таъсир этувчи омиллар:

- банкнинг ресурс имкониятлари ва уларнинг ўзгариши перспективалари (асосий омил сифатида);
- кредит муаасасасини миссияси ва стратегик мақсадларнинг қўйилиш даражаси;
- чет ташкилотлар томонидан расман ёки норасмий тарзда қўлланилишининг мавжудлиги;
- банкнинг корпоратив маданияти;
- илгари танланган стратегияни амалга оширилиши натижалари таҳлили натижалари;
- макро муҳит омиллари;
- банк учун мақсадга мувофиқ бўлган риск даражаси;
- банк асосий муассисларининг позицияси;
- қарорларни қабул қилиш вақти (иқтисодий ривожланиш циклларида тегишли).

7 – босқич. Стратегик режани ишлаб чиқиш жараёнида киритилиши мумкин бўлган коррективалар (ўзгатиришлар).

Бундай ўзгатиришлар макро ва микро муҳитнинг жорий омилларига банк стратегиясининг мослашувчанлигини таъминлашга йўналтирилади. Стратегик бошқарув самарадорлигига салбий таъсир қилувчи хавфлардан

бири догматизм, яъни хўжалик субъекти фаолияти шароитларининг ҳақиқий ҳолатини инобатга олинмаслигидир. Стратегик режани коррективкаланиш зарурати икки омил таъсири остида юзага келиши мумкин:

- стратегик режани ишлаб чиқиш жараёнида кредит муассасаси фаолияти шароитининг ўзгариши;

Мисол: бундай вазиятни аниқлаштирадиган ташқи омил тариқасида ҳаракатдаги қонунчилик нормаларининг ўзгариши, ички омил сифатида – янги стратегик ҳамкорнинг пайдо бўлиши ва банкнинг бозор позицияларининг яхшиланиши бўлиши мумкин.

- стратегик режани ишлаб чиқилишида йўл қўйилган камчиликларнинг оператив режалаштириш жараёнида аниқланиши.

Мисол: банкнинг оператив молиявий режаси бўлган бюджетни ишлаб чиқишида дефицитнинг мавжудлиги аниқланади, мутахассисларнинг фикрича бунинг сабаби молиявий стратегияда (яъни, стратегик режанинг бир қисмида) жуда катта мақсадларнинг назарда тутилишидир.

8 – босқич. Кутилаётган молиявий натижалар.

Стратегик режани ишлаб чиқишнинг якуний босқичида, стратегик режа муваффақиятли бажарилиши ҳисобига, олинishi мўлжалланаётган молиявий параметрлар (назорат кўрсаткичлари) ҳисоб – китоб қилинади. У деректив эмас, балки башорат характериға эға бўлади. Хорижий банклар бунда замонавий инфорғаион технологиялар асосида математик моделлаштириш усулларидаи фойдаланади.

Режалаштириш натижалари режалаштирилаётган давр давомида барча тегишли параметрлар динамикасини акс эттириши ва банкнинг асосий муассислари билан келишилган бўлиши шарт.

Изоҳ: кўриб чиқилган барча босқичлар якунлангандан сўнг, режа банк Кенгаши (акционерлар манфаатини таъминловчи олий раҳбарият органи) томонидан тадиқланади. Хужжатдаги мақсадлар ва ёндашувлар ҳисобға олинган ҳолда низом фаолиятининг ҳар бир йўналиши бўйича оператив режалар ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқилади.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУОФИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

2.1 Тижорат банклари томонидан пассив операцияларни амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятлари.

2009 ва 2010 йилларда банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш борасидаги ишлар фаоллаштирилди. Жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига 5 771,6 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2010 йилнинг 1 январига 8 703 млрд. сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968 сонли ва 2009 йил 6 апрелдаги ПФ-1090 сонли Фармонларига асосан, резидент - жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини қабул қилиш бўйича имтиёзларнинг яратилганлиги жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

2008 йил ва 2009 йилда давомида тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютадаги 300 тадан ортиқ, хорижий валютадаги 100 тадан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилди. Натижада, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари қолдиғи 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига 1 723,8 млрд. сўмни бўлган бўлса, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 2 914 млрд. сўмгача ошди ёки сўнгги йил давомидаги ўсиш суръати 169 % ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган 31 банкнинг 19 таси аҳоли, корхона ва ташкилотларга миллий валютадаги, 18 таси эса хорижий валютадаги омонат хизматларини таклиф қилади (2009 йил 1 июлига). Миллий валютадаги омонатлар бўйича фоиз ставкалари 1,0 дан 30% гача, хорижий валютада 0,5 дан 12% гача ўрнатилган.

Пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий резервлар нормаси тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Жумладан, мажбурий резервлар нормаси, муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун - 15%, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун - 12%, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун - 10,5% миқдорида ўрнатилди

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли Фармонида асосан миқдоридан қатъий назар фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари тўлиқ кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2009 йилнинг 1 январи ҳолатига кўра Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фондида 41,5 млрд. сўм миқдорига маблағлар шакллантирилди.

Депозитларни жалб қилиш юзасидан таклиф қилинаётган банк хизматлари. Банк фаолиятининг ривожланиши ва муваффақиятининг асосини омонатлар ташкил қилади. Омонатлар банк балансининг алоҳида моддаси бўлиб, банк фаолиятини бошқа бизнес шаклларида яққол ажратиб туради. Банк раҳбарияти ва ходимларининг жисмоний шахслар ва корхоналарни банкда депозит ҳисобварақларини очишга қизиқтира олиши банкнинг кенг аҳоли томонидан тан олиншининг асосий критерийси ҳисобланади. Омонатлар банк кредитларининг ўзига хос бўлган «хом – ашё» базаси бўлиб, банк даромадининг кўпайишини таъминловчи манбадир. Омонатлар қонунчиликда кўрсатилган резервларни ташкил қилиш ва янги кредитларни тақдим қилиш учун бу резервлардан ошиқча маблағларни олиш имкониятини яратади. Исталган банкни бошқариш самарадорлигини аниқловчи муҳим кўрсаткичлар жумласига, маблағларни имкон қадар арзон нархларда жалб қилиш ҳамда янги кредитларни молиялаштириш учун етарли миқдордаги депозитларга эга бўлишни киритиш мумкин.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир банк ўз депозитларини бошқаришда ҳал қилиши зарур бўлган икки асосий масала мавжуд: 1) банк қайси манбадан энг кам харажат билан маблағларни олиши мумкин? 2) кутилаётган кредит ҳажмини таъминловчи ва аҳолининг бошқа молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш учун етарли миқдордаги депозитларнинг қайтарилишини банк қандай қилиб кафолатлаши мумкин? Рақобат курашининг кучайиб бориши ва молиявий бозорда кузатилаётган эркинлаштириш жараёнлари пайтида бу икки саволга жавоб топиш жуда мураккабдир. Банк томонидан миждозларга сотилиши мумкин бўлган депозитларнинг қиймати ва суммаси ўхшаш хизматларни таклиф қилувчи рақобатчи банклар ва нобанк кредит институтларининг депозитлар баҳосини шакллантириш усулларига боғлиқ. Омонатлар, уларга хизмат кўрсатиш ва баҳони шакллантиришнинг янги турлари банк фаолиятида энг кўп кузатилаётган жараёнлардан бири ҳисобланади. Рақобатчиларнинг депозитлар бўйича таклиф қилаётган баҳолари ва маркетинг дастурларидаги ўзгаришларга тегишли «жавоб» бера олмайдиган банк ҳам миждозларини, ҳам даромадини бой беради.

Банк фаолиятидаги энг муҳим муаммолардан бир етарли даражадаги банк капитали миқдорини таъминлашдир. «Капитал» термини банкирлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу тушунча биринчи навбатда банк эгалари томонидан киритилган ва акциядорлик капиталида жойлаштирилган маблағлар ҳамда тақсимланмаган фойдага тегишлидир. Банкларга бўлган ишончни таъминлаб берувчи ташкил қилувчилардан бири – банк капиталидир. Шу сабабли банк капиталининг миқдори ва сифати масаласи банклар учун катта аҳамият касб этади.

2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ҳукуматимиз томонидан 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастур доирасида банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини берди.

Кўрилган тадбирлар қаторида банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини, уларнинг ресурс базасини янада ошириш орқали банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, банкларнинг иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларидаги иштирокини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида, сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайиб, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 3 трлн. 10 млрд. сўмга етди.

Биргина 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва қарорларига асосан Халқ банки, Асакабанк, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Микрокредитбанк”, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”ларнинг устав капиталларини белгиланган параметрларга етказиш борасидаги ишлар давом эттирилиб:

- Давлат тижорат Халқ банкининг устав капитали 130 млрд. сўмга;
- “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 110 млрд. сўмга;
- “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 150 млрд. сўмга;
- “Агробанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 100 млрд. сўмга;

- “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 90 млрд. сўмга;

- “Асака” давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 300 млрд. сўмга етказилди.

Шунингдек, давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 150 млрд. сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Банклар устав капиталига хусусий капитални жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида «Тошкент» РФБнинг листингига киритилган банклар сони 18 тага етди ва 2009 йил давомида уларнинг 17,4 млрд. сўмлик акциялари бевосита фонд биржасида инвесторларга сотилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунга келиб Ўзбекистон банк тизими халқаро талабларга жавоб берадиган барқарор тизимлардан бирига айланиб, айти пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияга эга бўлди.

Хусусан, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига банклар капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан юқори даражани ташкил этди ва бу банклар назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан қарийб 3 баробарга кўпдир.

Банкларнинг капиталлашуви даражасининг мустаҳкамланиб бориши куйидаги маълумотларда ўз ифодасини топган:

(млн.сўм ва фоизларда)

	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ				
	01.01. 2008 й.	01.01. 2009 й.	01.01. 2010 й.	3 йилда ўсиш суръати	
				абсолю т	нисбий
Устав капитали	47 823	112 709	123 223	+75 400	257,6
Заҳиралар	438	721	1 033	+595	235,8
Тақсимланмаган фойда	28 017	38 491	31 745	+3 728	113,3
Жами капитал	76 278	151 922	156 001	+79 723	204,5
манба: «Банк ахборотномаси» газетасининг 2009 2010 йиллар апрел – май ойлари сонлари					

(млн. сўм ва фоизларда)

	«Агробанк» («Пахтабанк») ОАТБ			
	01.01.	01.01.	01.01.	3 йилда ўсиш

	2008 й.	2009 й.	2010 й.	суръати	
				абсолют	нисбий
Устав капитали	64 768	75 752	105 851	+41 083	163,4
Қўшилган сармоя	857	1 412	1 412	+555	164,7
Заҳиралар	2 576	3 388	1 972	-604	76,5
Тақсимланмаган фойда	32 139	32 511	36 908	+4 769	114,8
Озчиликлар улуши	734	2 492	735	-	
Жами капитал	101 074	115 556	148 018	+46 944	146,4
манба: «Банк ахборотномаси» газетасининг 2009,2010 йил апрел – май ойлари сонлари					

(млн. сўм ва фоизларда)

	«Микрокредитбанк» ОАТБ				
	01.01. 2008 й.	01.01. 2009 й.	01.01. 2010 й.	3 йилда ўсиш суръати	
				абсолют	нисбий
Устав капитали	75 644	124 264	150 280	+74 636	198,7
Заҳиралар			989	+989	
Тақсимланмаган фойда	2 357	5 385	6 253	+3 896	265,3
Озчиликлар улуши		458	(623)	(165)	
Жами капитал	78 001	130 108	157 522	+79 521	201,9
манба: «Банк ахборотномаси» газетасининг 2009, 2010 йиллар апрел – май ойлари сонлари					

(млн. сўм ва фоизларда)

	«Алоқабанк» ОАТБ				
	01.01. 2008 й.	01.01. 2009 й.	01.01. 2010 й.	3 йилда ўсиш суръати	
				абсолют	нисбий
Устав капитали	12 574	26 715	35 944	+23 330	285,8
Қўшилган капитал	12	1 520	1 612	+1 600	
Заҳиралар					
Тақсимланмаган фойда	699	3 365	5 384	+4 685	770,2
Озчиликлар улуши					
Жами капитал	13 285	31 600	42 940	+29 655	323,2

манба: «Банк ахборотномаси» газетасининг 2009,2010 йил апрел – май ойлари сонлари

(млн. сўм)

	«Ипак йўли» ОАИТБ				
	01.01. 2008 й.	01.01. 2009 й.	01.01. 2010 й.	3 йилда ўсиш суръати	
				абсолю т	нисбий
Устав капитали	11 773	16 773	22 513	+10 740	191,2
Қўшилган капитал	100	100	100		
Заҳиралар					
Тақсимланмаган фойда	1 845	5 091	8 344	+6 499	452,3
Озчиликлар улуши					
Жами капитал	13 718	21 964	30 957	+ 17 239	225,7
манба: «Банк ахборотномаси» газетасининг 2009,2010 йил апрел – май ойлари сонлари					

Гарчи «Ўзсаноатқурилишбанк» нинг хусусий капитали 3 йил мобайнида 79 723 млн. сўмга ошган бўлса, «Агробанк» да 46 944 млн. сўмга, «Микрокредитбанк» да 79 521 млн. сўмга, «Алоқабак» да 29 655 млн. сўмга, «Ипак йўли» банкида 17 239 млн. сўмга кўпайган. Бу жараён (яъни, банкларнинг капитал базасининг мустаҳкамланиши) тўхтовсиз давом этиб бормоқда.

2.2 Тижорат банкларининг актив операциялари.

Тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операцияларининг рисклик даражасини аниқлаш бу жараёнини бошқариб бориш муҳим ўрин тутди.

Банк активлари таркиби дейилганда, баланс якунига нисбатан ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушунилади. Тижорат банклари активларини асосан тўрт категорияга бўлиб ўрганиш мумкин: кассадаги пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағлар; инвестиция ва қимматли қоғозлар; ссудалар; бинолар ва асбоб - ускуналар.

Банк активлари - бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб - ускуналардан ташкил топади. Булардан ташқари банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этадилар. Банк активлари

таркибининг тўғри белгилаб олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши банкларнинг самарали фаолият олиб боришига асос ҳисобланади.

Тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларига кўра ликвидлик ва риск даражасига қараб ҳамда даромад келтиришига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

Банк балансида активлар ликвидлик даражасига қараб акс эттирилади ва ликвидлик даражасига қараб улар қуйидаги 3 гуруҳга: юқори ликвидли активлар, ликвидли активлар, ноликвид (паст ликвидли) активларга бўлинади.

1 гуруҳ - юқори ликвидли активлар. Буларга:

- а) кассадаги ва йўлдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқа пул ҳужжатлари;
- б) вакиллик ҳисобварағидаги маблағ қолдиқлари;
- в) "Ностро" ва "Востро" счетлардаги қолдиқлар;
- г) мажбурий резервлар смети бўйича маблағлар қолдиғи;
- д) қимматли қоғозлар, хазина векселлари, давлат облигациялари, УРМБнинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

2 гуруҳ - ликвид активлар. Буларга:

- а) берилган кредитлар (жумладан, банклараро ҳам);
- б) ўз инвестициялари;
- в) бошқа қимматли қоғозлар, муддати 30 кунгача бўлган дебиторлар;

3 гуруҳ - ноликвид (паст ликвидли) активлар. Буларга:

- а) муддати ўтган ссудалар;
- б) муддати ўтган фоизлар;
- в) суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар;
- г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- д) асосий воситалар киради.

Банк доимий тарзда ўзининг ликвидлилигини маълум бир даражада сақлаши керак, яъни ўзининг тўловга қобиллигини шубҳа остида қолдирмаслиги керак. Ликвидлиликка бўлган талаб активлардан келадиган даромадни ошириш фаолиятига маълум даражада қарши туради. Банкнинг активлари қанчалик даражада ликвидли бўлса шунчалик улар билан боғлиқ риск кичик бўлади, аммо шунга жавобан уларга тўланадиган фоиз ҳам шунчалик кам бўлади.

Белгиланган тўловга қобиллик доирасидан чиқмаган ҳолда активларга жойлаштирилган капиталдан даромадни ошириш, банкда бошқариш санъатини белгилайди.

Банк ликвидлиликни икки хил йўл билан таъминлаш мумкин:

1. Ортиқча ликвидли активларни йиғиш орқали;
2. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган усул - ликвидлиликни кам даромад келтирувчи ва тез сотилувчи қимматли қоғозларга инвестициялаш усулидир.

Кассадаги пул маблағлари - банкнинг кассасидаги сақланаётган ва банк кунлик ҳисобрақамлар бўйича нақд пул беришга, пулни майдалаб беришга, нақд пул шаклида кредитлар беришга, банк харажати учун ҳақ тўлашга, хизматчиларга иш ҳақи беришга ва бошқа харажатларга ишлатиш учун зарур бўлган қоғоз пуллар ва тангалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк мижознинг талабини қондириш учун бериладиган қоғоз пулларга ва тангаларга эга бўлиши керак. Ушбу кассадаги нақд пулларнинг қолдиғига бир нечта омиллар таъсир қилади, жумладан: мавсумийлик, банкнинг ҳудудий жойлашиши ва бошқалар. Одатда жаҳон амалиётида банк активларнинг нақд пул бўлимига, кассадаги нақд пуллар, мажбурий заҳиралар фондида ажратмалар, вакиллик банкларга жойлаштирилган депозитлар ҳамда инкассация қилинаётган нақд пуллар қўшилади, чунки бу маблағлар биринчи талаб қилинганда нақд пулга айланади. Шунинг учун ҳам бу маблағларни банкда "биринчи мудофаа чизиғи" деб аташади, чунки мижоз тасодифан ўз депозитини ёки кредит сўраб келганда айнан шу маблағлардан фойдаланилади.

2.3. Тижорат банклари активлари ва пасивлари мувофиқлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлили.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

3.1. Тижорат банкларида активлар ва пасивларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш.

Банк фаолияти фойдалилигининг энг кўп ишлатиладиган нисбий кўрсаткичлар қўйидагилардир:

$$\text{Хусусий (акциядорлик) } \equiv \frac{\text{Солиқлар тўлангандан сўнгги соф фойда}}{\text{Акциядорлик капитали}} \\ \text{капитали фойдалилиги} \quad \text{Акциядорлик капитали} \\ \text{(ROE)}$$

$$\text{Актив бирлигига } \equiv \frac{\text{Солиқлар тўлангандан сўнгги соф фойда}}{\text{Жами активлар}} \\ \text{фойда} \quad \text{Жами активлар} \\ \text{(ROA)}$$

$$\text{инвестициялардан} \quad \text{Кредитлар ва қимматли қозғозларга} \\ \text{бошқа эми-} \quad \text{олинган фоизли даромад – депозитлар ва} \\ \text{тўловлари} \quad \text{тентлашган қарз тўловлари бўйича фоиз} \\ \text{Соф фоиз} \quad \text{Активлар} \\ \text{маржаси}$$

$$\text{Соф нофоиз маржаси} \equiv \frac{\text{Нофоиз даромадлар – нофоиз харажатлар}}{\text{Активлар}}$$

$$\text{харажатлар} \quad \text{Операцион даромадлар – операцион} \\ \text{Банк соф операцион} \equiv \frac{\text{Активлар}}{\text{Активлар}} \\ \text{фойдаси маржаси} \\ \text{Бир акцияга тўғри} \\ \text{келувчи} \quad \text{Солиқ тўлангандан сўнгги соф фойда} \\ \text{соф фойда} \quad \text{Муомиладаги оддий акциялар}$$

Фойдалилик кўрсаткичларининг таснифи. Кўрсаткичларнинг ҳар бири банк фойдалилигининг у ёки бу жиҳатини тавсифлайди. Масалан, ROA – биринчи навбатда банк раҳбарияти фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичидир. У банк муассасаси активларидан соф фойдани олиш

вазифаси қанчалик даражада банк раҳбарлари томонидан уддаланаётганлини билдиради. Шу билан бир қаторда, ROE – банк акционерлари учун даромадлилик ўлчовидир. У акционерлар томонидан инвестиция қилинган маблағлар бўйича олинishi мумкин бўлган соф фойданинг (яъни, маълум даромад олиш учун ўз маблағларини жойлаштириш юзасидан рискнинг) тахминий миқдорини кўрсатади.

Операцион даромаднинг соф маржаси, соф фоиз маржаси ва нофоиз маржа самарадорлик ва даромадлилик кўрсаткичлари бўлиб, банк раҳбарияти ва ходимларининг даромадларнинг (биринчи навбатда банк кредитлари ва инвестициялари бўйича фоизлар, кўрсатилган хизматлар учун коммиссион ҳақ) харажатларга (асосан депозитлар ва пул бозоридан қарзлар бўйича фоиз тўловлари) нисбатан тезроқ ўсишини таъминлаш юзасидан муваффақиятли (ёки муваффақиятсиз) фаолиятини баҳолашга хизмат қилади. **Соф фоизли маржа** фоизлар бўйича олинган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарк (спред) ни аниқлайди ва банк ходимлари томонидан банкнинг даромадли активларини оптимал ишлата олиши ва жалб қилинаётган маблағларнинг арзон манбаларини топа олиш ишлари қай даражада эканлигини кўрсатади.

Нофоиз маржа нофоиз кўринишидаги даромадлар (банклар томонидан депозитларга хизмат кўрсатишдан ва бошқа хизматлардан олинган коммиссион ҳақ) ва нофоиз харажатлар (жумладан иш ҳақи, банк ускуналарига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, кредитлар бўйича зарарларни қоплаш) ўртасидаги фарқни аниқлайди. Кўпгина банкларда, кейинги пайтларда турли хилдаги хизматларни кўрсатишдан олинadиган коммиссион мукофотнинг (масалан, халқаро пул ўтказмаларидан) ошиб бориши ҳисобига нофоизли маржа ижобийдир, чунки фоизсиз харажатлар ҳажми тегишли даромадлар ҳажмига нисбатан камроқ.

Махсус операцияларни ўтказишга қадар соф фойда кўрсаткичи, одатий даромад манбалари, яъни кредит ва инвестициялардан олинган даромадлар ҳамда бошқа хизматалар учун коммиссион ҳақнинг банкнинг жами активларига нисбатини аниқлатади. Ноанъанавий ёки фавқулодда моддалар (банк мулки ва ускуналарини сотиш, қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ёки зарарлар) одатда аналитиклар томонидан банк даромадлилиги кўрсаткичларидан чегирилади. Ниҳоят, бир акцияга тўғри келувчи соф фойда кўрсаткичи банкнинг асосий эгалари бўлган акционерлар фойдасига тўловларни амалга оширилиши ҳолатини кўрсатади.

Банк даромадлилигининг яна бир анъанавий кўрсаткичи **фойда фарқи (спред)** кўрсаткичидир ва у қуйидагича аниқланади:

харажатлар

$$\text{Фойда спреди} = \frac{\text{Даромадли активлар}}{\text{Даромадли активлар} + \text{Фоиз тўланадиган банк пасивлари}}$$

Спред ёрдамида банк омонатчилар ва қарздорлар ўртасидаги воситачилик ролини қанчалик даражада муваффақиятли бараётганлиги ҳамда банк хизмати бозоридаги рақобат даражаси аниқланади. Хизматлар бозоридаги рақобатнинг кучайиши одатда активлар бўйича ўртача даромадлар ҳамда пасивлар бўйича ўртача харажатлар ўртасидаги фарқни камайтиради. Бу эса банк раҳбариятини фойда спредини қоплаш учун фойда олишнинг янги йўллари (масалан янги турдаги хизматларни таклиф қилиш шаклида) ахтаришга мажбур қилади.

Шунингдек, банкнинг даромадлилик кўрсаткичларидан яна бири жами операцион фойданинг жами активларга нисбати сифатида аниқланган операцион фойда маржаси ҳисобланади. Даромадлиликнинг ушбу кўрсаткичи икки қисмга бўлиниши мумкин – активлар бўйича ўртача фоизли даромад ва активлар бўйича ўртача фоизсиз даромадлар. Охирги элемент турли хизматлар (масалан, халқаро пул ўтказмалари) кўрсатишдан олинган комисион мукофот эвазига ташкил топади. Шундай қилиб:

$$\frac{\text{Операцион даромад}}{\text{Активлар}} = \frac{\text{Фоизли даромад}}{\text{Активлар}} + \frac{\text{Фоизсиз даромад}}{\text{Активлар}}$$

Кредитлар ва бошқа даромадли активлар бозоридаги рақобатнинг кескинлашуви ва кўпгина кредитларнинг «умидсиз» сифатида баҳоланиши оқибатида, жуда кўп банклар комисион мукофот шаклидаги фоизсиз даромадларни оширишга катта эътибор билан қараша бошлашди. Бундай мукофотлар жами фойда миқдорининг ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида акционерларга тўловларни кўпайтиради. Бундан ташқари банк раҳбарлари даромад келтирмайдиган активларга (масалан, кассадаги нақд пул, асосий воситалар ва номоддий активлар) йўналтирилган ресурслар ҳажмини камайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Даромад келтирмайдиган активларнинг нисбий муҳимлик даражасини (кредитлар ва қимматли қоғозларга инвестициялар кўринишидаги тўғридан – тўғри даромад келтирувчи активларга таққосланган ҳолда) аниқлашга ёрдам берувчи

кўрсаткичлардан бири – даромад базаси кўрсаткичи ҳисобланади ва куйидагича ҳисобланади:

$$\text{Активларнинг даромад базаси} = \frac{\text{Даромад келтирувчи активлар}}{\text{Жами активлар}} = \frac{(\text{Кредитлар} + \text{Лизинг} + \text{Қимматли қозғозларга инвестициялар})}{\text{Жами активлар}} = \frac{(\text{Жами активлар} - \text{Даромад келтирмайдиган активлар})}{\text{Жами активлар}}$$

Даромад базаси камайиб бораётган банк раҳбарияти ва ходимлари мавжуд даромад базасини сақлаб қолиш учун фаол иш олиб боришлари зарур бўлади.

Даромадлиликнинг қўшимча формулалари. Банк қанчалик даражада самарали фаолият кўрсатишини таҳлил қилишда даромадлиликнинг баъзи кўрсаткичларини қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ҳозирги пайтда кенг ишлатилаётган ROE ва ROA кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини кўриш қийин эмас. Иккаласида ҳам солиқлар тўлангандан сўнгги фойда кўрсаткичи ишлатилади. Шунинг учун иккала кўрсаткични тўғридан – тўғри боғлаш мумкин:

$$ROE = ROA \times \frac{\text{Активлар}}{\text{Акциядорлик капитали}}$$

Ёки

$$\frac{\text{солиқлар тўлангандан кейинги фойда}}{\text{акциядорлик капитали}} = \frac{\text{солиқлар тўлангандан кейинги фойда}}{\text{активлар}} \times \frac{\text{активлар}}{\text{акциядорлик капитали}}$$

Банкнинг соф фойдаси жами даромадлардан операцион харажатлар (фоизларни тўлаш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда) нинг чегирилганидан сўнг қолган суммага тенглигини инобатга олсак:

$$\text{Активлар} \quad \text{Даромадлар} - \text{операцион харажатлар} - \text{солиқлар}$$

$$ROE = \frac{\text{Даромадлар} - \text{операцион харажатлар} - \text{солиқлар}}{\text{Активлар}} \times \frac{\text{Активлар}}{\text{Акциядорлик капитали}}$$

Ушбу алоқадорлик акциядорларга йўналтириладиган банк фойдасининг банк ресурслари қандай манбалар ҳисобига шакллантирилишига (қарз мажбуриятлари ҳисобигами ёки банк эгалари маблағи ҳисобигами) юқори даражада сезгирлигидан далолат беради. ROA нинг паст даражасига эга бўлган банк банк акциядорлари капиталини кам миқдорда ишлатилиши ва қарз мажбуриятларидан кенг фойдаланиш эвазига ROE нинг юқори даражасига эришиши мумкин.

Ҳақиқатда, ROE ва ROA кўрсаткичлари ўртасидаги алоқадорлик, банк раҳбарияти дуч келадиган, **риск ва даромадлилик ўртасидаги фундаментал боғлиқни** кўрсатади.

Банкнинг рисклари ва даромадлилиги ўртасидаги нисбат.

Активларнинг жами акционер капиталга нисбати	Активлар даромадлилигининг мумкин бўлган даражаси (ROA)			
	0,5%	1,0%	1,5%	2,0%
	Шунда, ROE бўлиши керак (%)			
5 : 1	2,5	5,0	7,5	10,0
10 : 1	5,0	10,0	15,0	20,0
15 : 1	7,5	15,0	22,5	30,0
20 : 1	10,0	20,0	30,0	40,0

ROA кўрсаткичи билан аниқланган самарадорликнинг пасайиши оқибатида, банк акциядорлари исталган даражадаги даромадга эришиш имкониятига эга бўлиш учун, қарз мажбуриятлари ва акционер капитали ўртасидаги нисбатни кўпайтириш кўринишидаги юқори рискни банк ўз зиммасига олишига тўғри келади.

ROE асосидаги яна бир жуда муҳим даромадлиликнинг формуласи куйидаги кўринишга эга:

$$ROE = \frac{\text{солиқлар тўлангандан кейинги фойда}}{\text{акциядорлик капитали}} \times \frac{\text{операцион даромадлар}}{\text{активлар}}$$

ёки

$ROE = \text{фойданинг соф маржаси} \times \text{активлардан фойдаланиш коэффиценти} \times \text{акциядорлик капитали мултипликатори.}$

бу ерда:

$$\text{Банк фойдасининг соф маржаси} = \frac{\text{Солиқлар тўлангандан сўнгги соф фойда}}{\text{Операцион даромадлар}}$$

$$\text{Банк активларидан фойдаланиш коэффиценти} = \frac{\text{Операцион даромадлар}}{\text{Жами активлар}}$$

$$\text{Капитал мултипликатори} = \frac{\text{Активлар}}{\text{Акциядорлик капитали}}$$

Юқоридаги унчалик мураккаб бўлмаган тенгламаларнинг ҳар бир элементи банк операцияларининг у ёки бу жиҳатларининг назорат индикатори вазифасини бажаради. Масалан:

Банк даромади маржаси – банк хизматларига нарх ўрнатиш сиёсати ва харажатларини бошқариш самарадорлигини акс эттиради.

Банк активларидан фойдаланиш коэффиценти – банк активлари портфелидан фойдаланиш сиёсатинининг самарадорлигини аниқлайди.

Капитал мултипликатори – банк ресурсларини шакллантиришда манбаларни танлаш (қарз мажбуриятлари ёки акционерлик капитали) жиҳатидан молиялаштириш сиёсатининг олиб борилиши йўналишини кўрсатади.

Гарча кўрсатилган кўрсаткичлардан бирон – бирининг камайиши кузатилса, банк раҳбарияти бундан ўзгаришларнинг сабабларини зудлик билан аниқлашлари ҳамда тегишли чора – тадбирлар кўришлари шарт.

Келтирилган 3 молиявий кўрсаткичдан энг катта аҳамиятга эга бўлгани капитал мултипликаторидир. Мултипликатор банк молиявий сиёсати йўналишининг кўрсаткичи бўлиб, акционерлик капиталининг 1 сўми неча сўмлик активларни таъминлаганини кўрсатади ҳамда мос равишда банк ресурсларининг қанча қисми қарз мажбуриятлари кўринишида жойлаштирилиши мумкинлигини аниқлайди. Акционерлик капитали банк активлари бўйича зарарларни қоплашга йўналтирилишини ҳисобга олсак, мултипликатор даражасининг кўтарилиши банкнинг банкротликка дуч келиши эҳтимолини ошириши мукин. Аммо иккинчи томондан мултипликатор даражасининг кўпайиши акциядорларга тўловлар миқдорининг кўпайишига ҳам олиб келади.

Фойда маржаси ёки соф фойданинг жами даромадларга нисбати кўрсаткичи ҳам банк раҳбарияти томонидан назорат ва бошқарув объекти ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич банклар харажатлар устидан назоратни кучайтириш ва даромадлилик даражасини максималлаштириш билан

акционерлага тўловларни кўпайтириш мумкинлигини эслатиб туради. Банк ўхшаш тарзда активларларнинг ўртача даромадлилик даражасини ошириши мумкин (яъни рисклар ҳисобга олинган ҳолда банк активларини даромадлироқ бўлган кредитлар ва инвестицияларга қайта тақсимлаш).

ROE кўрсаткичи формуласига киритилган (ва унчалик аҳамиятли бўлмаган) коррективалар банкни бошқариш соҳасига муаммоларни аниқлаш имконияти берувчи тенгламани чиқириш имкониятини беради:

ROE = (Солиқлар тўлангандан сўнгги фойда / Солиқ тўлангунга ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ҳисобга олингунга қадар фойда) x (Солиқ тўлангунга ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ҳисобга олингунга қадар фойда / Операцион даромадлар) x (Операцион даромадлар / Жами активлар) x (Жами активлар / Акционерлик капитали)

ёки

ROE = Солиқларни бошқариш самарадорлиги x Харажатлар устидан назоратнинг самарадорлиги x Активларни бошқариш самарадорлиги x Ресурсларни бошқариш самарадорлиги.

Юқоридаги ҳолда биз банк фойдаси маржасини (солиқлар тўлангандан сўнгги фойданинг жами даромадларга нисбати) икки қисмга бўлдик: 1) Солиқларни бошқариш самарадорлиги кўрсаткичи (у банкнинг солиқ тўловларини минималлаштириш учун қимматли қоғозлар бўйича фойда ёки зарарлар ҳамда солиқларни бошқаришнинг бошқа инструментларидан қанчалик даражадада фойдаланилганлигини кўрсатади); 2) Операцион харажатлар чегирилгандан сўнг қанча даромад қолиши кўрсаткичи бўлган солиқлар тўлангунга қадар фойданинг жами даромадларга нисбати (яъни, операцион фаолият ва харажатларни бошқариш самарадорлиги кўрсаткичи).

Банк активлари даромадлилигининг структуравий таҳлили. Шунингдек, биз активларнинг даромадлилиги кўрсаткичини (ROA) алоҳида таркибий қисмларга бўлишимиз мумкин:

Банк активлари даромадлилигини аниқлаш (ROA)	
Тенгламанинг таркибий қисмлари	Таркибий қисмнинг моҳияти
Жами фоизли даромад / активларнинг ўртача миқдори	Активлардан олинган даромад
- фоизли харажатлар / активларнинг ўртача миқдори	Активларга йўналтирилган активлар қиймати

= соф фоиз маржаси / активларнинг ўртача қиймати	Ўз қарздорларига нисбатан, банкнинг қарздор сифатида юқориқоқ рейтингга эга бўлиши оқибатида, банк томонидан ишлаб топилиши мумкин фойда
+ фоизсиз даромадлар / активларнинг ўртача қиймати	Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича операциялардан олинган даромадлар
- фоизсиз харажатлар / активларнинг ўртача қиймати	Банк фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган харажатлар
- кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар / активларнинг ўртача қиймати	Йиғилган даромадлар
= солиқ тўлангунга қадар фойда / активларнинг ўртача қиймати	Солиққа тортилгунга қадар активлар бўйича даромад
- даромад солиғи / активларнинг ўртача қиймати	Хукумат хизматларини тўлашда банкнинг салмоғи

Ҳақиқатда, ROA уч содда нисбатга асосланади:

*Соф фоиз маржаси = (фоизли даромадлар – фоизли харажатлар) /
жами активлар*

плюс

*Фоизсиз маржа = (фоизсиз даромадлар – фоизсиз харажатлар) / жами
активлар*

минус

*Соф фойдага таъсир ўтказувчи махсус операциялар = махсус
операциялар бўйича даромадлар ва харажатлар / жами активлар*

тенг

*Активларнинг даромадлилиги (ROA ёки банкнинг активлардан фойда
олиш имконияти) = солиқлар тўлангандан сўнгги соф фойда / жами
активлар*

Бундай структуравий таҳлил банклар молиявий позицияларида юз
берган ўзгаришларни тушунтиришда муҳим аҳамият касб қилиши мумкин.

**Банк даромадлилиги кўрсаткичларининг структуравий таҳлилидан
хулоса.** Банк даромадлилиги кўрсаткичларининг структуравий таҳлили
(яъни, ушбу кўрсаткичларнинг алоҳида компонентларини таҳлил қилиш)
банк даромадлари соҳасида банк дуч келиши мумкин бўлган
қийинчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва банк раҳбарияти эътибор
қаратиши зарур бўлган масалаларни аниқлаш имкониятини беради. Банк
юқори даромадлилик даражасига эришиши қуйидаги асосий омилларга
боғлиқ:

1. Молиявий ричагларни мақсадга мувофиқ равишда ишлатиш (ёки қарз мажбуриятлари ҳисобидан молиялаштириладиган банк активларининг акционерлик капиталига нисбати).

2. Фиксацияланган активлар бўйича операцион ричагларни мақсадга мувофиқ равишда ишлатиш (ёки фиксацияланган харажатларнинг салмоғи).

3. Операцион харажатлар устидан назоратни ўрнатиш билан аксарият қисм даромадларнинг соф фойдага айлантирилиши.

4. Исталган активдан максимал даромад олишга йўналтирилган фаолият, ликвидлилиқ нормативларига мос келишини таъминлаш учун активлар портфели устидан назоратнинг ўрнатилиши.

5. Зарарлар банк фойдаси ва акционерлик капиталини нолга тушириб қўймаслиги учун, банк операцияларининг риск даражаси устидан назорат ўрнатиш.

IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари

Иш жойларига меҳнат шароитига талаблар. Банк биноларини ёритиш икки турга бўлинади: табиий – куёш нур асосидаги ва сунъий ёритилганлик. Касса, инкассация бўлмлари жойлашган биноларда иш жойининг ёритилганлиги 400 люксдан, ғазнахона (омборхона) поли юзаси 100 люксдан кам бўлмаган даражада ёритилиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг совуқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 21 – 25 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг иссиқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 22 – 26 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 – 0,2 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши керак.

Банкларда товушнинг (шовқиннинг) рухсат этилган чегаравий даражалари қуйидагича (СанПиН 0058):

Математик дастурчилар ва видеодисплей терминали операторлари ишлайдиган жойларда – 50 дБА дан ошмаслиги керак;

Компютер қурилмалари таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ҳамда лаборатория текширувидан ўтказувчи муҳандис – техник ва ишчилар ишлайдиган жойларда – 60 дБА;

Ҳисоблаш машиналарининг шовқинли агрегатлари жойлашган иш жойларида (принтер ва бошқалар) – 75 дБА.

Компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларида ишловчи ҳар бир ходим иш жойи майдони - 6 м², ҳажми – 20 м³ дан кам бўлмаслиги зарур. Бир неча компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларидан иборат иш жойларини ташкил қилишда қўшни иш жойларида ишловчилар меҳнатини муҳоваза қилиш учун мш столлари шундай жойлаштирилиши керакки, бир дисплейнинг орқа томони билан кейинги қатордагисининг экрани орасидаги масофа камида 2 метр, ёнма – ён турган иш жойлари дисплей корпуслари орасидаги масофа эса камида 1,2 метр бўлиши шарт (СанПиН 0100-00).

Компютер ва ташкилий техника жойлашган хоналар тебраниш таъсиридан ҳоли, тебраниш манбаи бўлган хоналар билан ёнма – ён бўлмаслиги лозим. Видеомонитор экрани ишловчининг кўзи учун энг зарарсиз масофада, яъни 500 мм дан яқин бўлмаслиги зарур (энг қулай масофа 600 – 700 мм). Компютерлар хонада шундай жойлаштирилиши

керакки, видеомониторларнинг орқа ва ён тарафларига ходимлари 500 мм яқин масофага келишига йўл қўйилмайди (СанПиН 0100-00).

Санитария – маиший хизмат хоналарига талаблар. Банк бўлинмалари биноларида турли хизмат кўрсатиш хоналари: ошхона, тиббий хизмат, хожатхона, аёллар шахсий гигиена хоналари ва бошқалари бўлиши керак.

200 нафардан ортиқ ходими бўлган банкларда одатда ошхона, 200 нафаргача ишловчилар бўлган банкларда эса, овқат тарқатадиган ошхона, ёки тамаддихона, ёки кафетерий бўлиши режалаштирилади. Ишловчилар сони 30 нафардан ошмаган банкларда овқатланиш хонаси бўлиши зарур. Овқатланиш хонаси қўл ювгич, стационар сув қайнатгич, электр плита, совутгич билан жиҳозланган бўлиши керак. Ходимлар сони 10 кишидан кам бўлган банк бўлинмаларида овқатланиш хонаси ўрнига кийимхона ёки ходимлар хонасида майдони 6 м² бўлган овқатланиш хонаси ташкил этилади.

Рўйхат бўйича ишловчилар сони 50 дан 300 нафаргача бўлган банк бўлинмаларида иссиқ сув ва совуқ сув, тегишли жиҳозлар билан таъминланган тиббий пунктлар ташкил қилиниши лозим.

Банк бўлинмаларида ишлайдиган ҳар 75 нафар аёл учун битта шахсий гигиена хонаси бўлиши зарур. Бундай хоналар хожатхона билан ёнма-ён, умумий тамбурли қилиб жойлаштирилади. Хоналарда ечиниш жойлари ва қўл ювгичлар бўлиши керак.

Кўп қаватли банк биноларида хожатхона ҳар қаватда бўлиши зарур. Ишловчилари 30 ва ундан кам бўлган икки қаватли бўлинмаларда бита хожатхона ажратилиб, у ишловчилари кўпроқ бўлган қаватда жойлаштирилади. Ишловчилар 15 нафардан ошмаса, умумий хожатхона режалаштирилади.